

Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари

2025 йил январь–сентябрь


- I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси
- II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши
- III. Хизмат турлари бўйича хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари
- IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар
- V. Фойдали ҳаволалар

I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

2025 йилнинг январь–сентябрь ойларидаги дастлабки маълумотларга кўра, (норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижалари ҳисобга олинган ҳолда), кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **722 166,1** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда **14,0** %га ошди.

Маълумот учун: 2024 йилнинг январь–сентябрь ойларида хизматлар ҳажми **580 459,1** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда **12,8** %га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми (январь–сентябрь, млрд сўм) ¹



II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши

2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши **38,1** %, яъни **275 415,3** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда ушбу ҳудудда ўсиш **16,1** %га ўсди. Тошкент шаҳридан ташқари, вилоятлар кесимида энг юқори улуш Самарқанд (**7,4** %), Тошкент (**6,8** %) ва Фарғона (**6,8** %) вилоятларида кузатилди. Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **9 920,6** млрд сўмни ёки умумий хизматлар ҳажмининг **1,4** %ини ташкил этди.

¹ 2023-2025 йилларнинг январь–сентябрь ойлари учун маълумотлар норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги асосий кўрсаткичлари
2025 йил январь–сентябрь

	Ҳажми, млрд сўм	Улуши, %	Ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Республикаси ²	722 166,1	100,0	114,0
Қорақалпоғистон Республикаси	23 627,1	3,3	111,3
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	37 032,5	5,1	115,4
Бухоро	29 510,4	4,1	113,1
Жиззах	16 913,0	2,3	114,5
Қашқадарё	36 694,4	5,1	112,8
Навоий	17 788,7	2,5	113,6
Наманган	36 979,1	5,1	112,4
Самарқанд	53 131,8	7,4	114,1
Сурхондарё	24 192,1	3,3	113,8
Сирдарё	9 920,6	1,4	113,7
Тошкент	48 839,8	6,8	114,8
Фарғона	48 766,9	6,8	113,3
Хоразм	24 948,2	3,5	113,5
Тошкент шаҳри	275 415,3	38,1	116,1

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар кесимидаги ҳажми](#)

2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматларининг нисбатан юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳридан ташқари республиканинг бошқа ҳудудларида, хусусан, Андижон (**115,4** %), Тошкент (**114,8** %), Жиззах (**114,5** %), Самарқанд вилоятларида (**114,1** %) кузатилди. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь–сентябрь ойлари билан солиштирилганда кўрсатилган бозор хизматларининг нисбатан юқори бўлмаган ўсиш суръати Қорақалпоғистон Республикасида (**111,3** %), шунингдек, Наманган (**112,4** %) ва Қашқадарё вилоятларида (**112,8** %) қайд этилди.

2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **19 101,8** минг сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос давридаги кўрсаткич (**15 655,3** минг сўм)га нисбатан **3 446,5** минг сўмга, яъни **11,8** %га ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимидаги таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ушбу даврда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига тўғри келиб, **87 756,6** минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда **16 902,4** минг сўмга (**13,5** %га) ошди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг нисбатан паст кўрсаткичи Сурхондарё вилоятида (**8 146,0** минг сўм) қайд этилди.

² Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг
ҳажми ва ўсиш суръати кўрсаткичлари (2025 йил январь–сентябрь)

	Ҳажми, минг сўм	Ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Республикаси	19 101,8	111,8
Қорақалпоғистон Республикаси	11 591,6	109,9
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	10 629,0	113,3
Бухоро	14 133,3	111,3
Жиззах	10 920,7	112,3
Қашқадарё	10 002,6	110,4
Навоий	16 146,6	111,6
Наманган	11 723,0	110,2
Самарқанд	12 274,0	111,8
Сурхондарё	8 146,0	111,2
Сирдарё	10 591,0	111,7
Тошкент	15 611,2	112,8
Фарғона	11 682,1	111,1
Хоразм	12 195,5	111,5
Тошкент шаҳри	87 756,6	113,5

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажми](#)

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати](#)

2025 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **397 493,0** млрд сўмни ёки умумий бозор хизматлари ҳажмининг **55,0** %ини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда **12,3** %га ўсиш кузатилди.

Ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 2024 йилнинг январь–сентябрь ойларида нисбатан **20 762,5** млрд сўмга (**13,1** %га) ошиб, **109 644,9** млрд сўмга етди. Мазкур ҳудудда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши **39,8** %ни ташкил этди.

Бундан ташқари, Фарғона (**36 243,1** млрд сўм), Тошкент (**35 162,5** млрд сўм) ва Самарқанд (**33 902,4** млрд сўм) вилоятларида ҳам юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Сирдарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **6 477,9** млрд сўмни ташкил этди. Шунингдек, Навоий (**9 901,8** млрд сўм) ва Жиззах (**12 043,2** млрд сўм) вилоятларида кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳажми нисбатан паст бўлган.

Худудлар кесимида хизматлар соҳаси бўйича кичик тадбиркорлик кўрсаткичлари
2025 йил январь–сентябрь

	Ҳажми, млрд сўм	Умумий ҳажмдаги улуши, %	Ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Республикаси	397 493,0	55,0	112,3
Қорақалпоғистон Республикаси	17 147,3	72,6	113,1
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	26 568,8	71,7	111,0
Бухоро	20 314,5	68,8	115,1
Жиззах	12 043,2	71,2	112,1
Қашқадарё	26 946,2	73,4	111,2
Навоий	9 901,8	55,7	111,6
Наманган	27 418,9	74,1	111,3
Самарқанд	33 902,4	63,8	111,1
Сурхондарё	17 781,8	73,5	112,0
Сирдарё	6 477,9	65,3	112,2
Тошкент	35 162,5	72,0	112,3
Фарғона	36 243,1	74,3	112,6
Хоразм	17 939,7	71,9	113,8
Тошкент шаҳри	109 644,9	39,8	113,1

III. Хизмат турлари бўйича хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилнинг 27 февралдаги ПКҚ-78-сон “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида хизматлар соҳасини ривожлантириш ва унинг мониторингини амалга ошириш бўйича мақсадли параметрлари белгиланган.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажми ўсишига молиявий хизматлар (**24,5** %га; умумий ўсишга **4,1** фоиз банд ҳисса қўшди), транспорт хизматлари (**12,1** %га; **2,3** ф.б.), савдо хизматлари (**12,9** %га; **2,3** ф.б.), яшаш ва овқатланиш хизматлари (**8,7** %га; **1,8** ф.б.), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (**20,4** %га; **1,4** ф.б.), бошқа хизматлар (**11,9** %га; **0,6** ф.б.), шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (**13,6** %га; **0,3** ф.б.) ва кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (**11,3** %га; **0,3** ф.б.) ўсиши асосий омил бўлиб хизмат қилди. Ижара хизматлари (**19,6** %га), меъморчилик соҳасидаги хизматлар (**15,3** %га), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари (**12,1** %га), шахсий хизматлар (**11,6** %га) ҳамда таълим соҳасидаги хизматлар (**4,2** %га) ўсиб, умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг **0,9** фоиз бандга ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида яшаш ва овқатланиш хизматлари **20,1** %, транспорт хизматлари **18,5** %, савдо хизматлари **17,2** %, молиявий хизматлар **17,1** %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **7,6** %, таълим соҳасидаги хизматлар эса **3,7** % улушни эгаллади.

Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари (январь–сентябрь)

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръати, %
	2024 й.	2025 й.	
Хизматлар – жами	580 459,1	722 166,1	114,0
<i>шундан:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	39 645,6	54 796,9	120,4
молиявий хизматлар	97 462,2	123 523,1	124,5
транспорт хизматлари	108 291,3	133 590,7	112,1
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	<i>53 098,6</i>	<i>67 167,9</i>	<i>111,1</i>
яшаш ва овқатланиш хизматлари	118 870,6	145 307,7	108,7
савдо хизматлари	104 143,1	124 528,5	112,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	15 081,4	18 814,3	111,3
таълим соҳасидаги хизматлар	22 123,8	26 322,4	104,2
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	11 663,7	14 567,7	113,6
ижара хизматлари	7 137,0	9 343,7	119,6
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	8 514,0	10 516,2	112,1
шахсий хизматлар	11 262,0	14 518,3	111,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	7 301,8	9 233,2	115,3
бошқа хизматлар	28 962,6	37 103,4	111,9


Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг асосий турлари бўйича ҳажми](#)

2024 йилнинг январь–сентябрь ойларига нисбатан яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажми **26 437,1** млрд сўмга ошиб, **145 307,7** млрд сўмни ташкил этди. Унинг ўсишига асосан озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш хизматлари таъсир кўрсатиб, мазкур хизматлар улуши **95,6** % даражасида қайд этилди.


Яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажми таркиби (2025 йил январь–сентябрь)

- Озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш хизматлари
- Яшаш хизматлари



2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида транспорт хизматлари ҳажми **133 590,7** млрд сўмга етди. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспорти хизматлари устунлик қилади – **50,3 %**.

Транспорт хизматлари ҳажмининг турлари бўйича таркиби (2025 йил январь–сентябрь)



2024 йилнинг январь–сентябрь ойларида нисбатан таҳлил қилинаётган даврда савдо хизматлари ҳажми **20 385,4** млрд сўмга ошиб, **124 528,5** млрд сўмни ташкил этди.

Савдо хизматларининг умумий ҳажмида чакана савдо улуши **52,9 %**ни ташкил этди. Улгуржи савдо хизматларининг улуши эса **31,3 %**га етди. Автомобиллар ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси, шу жумладан уларни таъмирлаш бўйича хизматлар, савдо хизматларининг умумий ҳажмида **15,8 %**ни ташкил этди.

2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида молиявий хизматлар ҳажми **26 060,9** млрд сўмга ошиб, **123 523,1** млрд сўмга етди. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда **19,0 %**га ўсди.

2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида молиявий хизматлар таркибида суғурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари, молиявий хизматларнинг улуши **88,0 %**ни ташкил этди. Суғурталаш бўйича хизматларнинг улуши **7,1 %** даражасида қайд этилди. Ёрдамчи молиявий хизматлар эса **4,9 %**ини ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг турлари бўйича ҳажми
(2025 йил январь–сентябрь, млрд сўм)



2025 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми **54 796,9** млрд сўмни ташкил этди. Бу тармоқдаги энг катта улушни компьютер дастурлаштириш хизматлари эгаллаб, **40,4** %ни, ўсиш суръати эса **24,1** %га ўсди.

2025 йилнинг январь–сентябрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми **26 322,4** млрд сўмни ташкил этди. Таълим соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида олий таълим соҳасидаги хизматларнинг улуши устунлик қилиб, **45,8** %га етди.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг умумий ҳажми (**18 814,3** млрд сўм)да шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш бўйича хизматларнинг улуши **95,9** % даражасида қайд этилди.

2025 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми **14 567,7** млрд сўмни ташкил этди. Мазкур соҳадаги хизматлар умумий ҳажмининг **53,2** %ини соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар ташкил этди. Шифохона муассасалари хизматлари – **30,8** %, тиббий амалиёт ва стоматология соҳасидаги хизматлар эса – **16,0** %.

Ижара хизматлари умумий ҳажмидаги энг катта улуш енгил автомобиллар ва енгил автотранспорт воситаларини ижарага бериш хизматларига тўғри келиб, **49,3** %ни ташкил этди.

IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар

Маълумотлар норасмий ва яширин иқтисодий ёки баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижалари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилган.

Ойлик хизматлар ҳажми қуйидаги манбалар асосида шакллантирилади:

а) тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно), тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари ҳамда нотижорат ташкилотлар (рўйхат бўйича) томонидан тақдим этилган статистика ҳисоботлари;

б) кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини чораклик кузатув маълумотлари ва кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот натижалари бўйича баҳолаш;

в) фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тегишли статистика ҳисобот шакллари асосида баҳолаш;

г) яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатув натижалари асосида баҳолаш.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – хизмат кўрсатишга ихтисослашган ёки хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури бўлмаган барча хизмат кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмолчиларга (жумладан, норезидентларга) маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматидир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича **кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида** кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича **ҳисобланган тўловлар (ҚҚС ва акцизсиз)** ҳисобга олинади.

Хизматлар бозор хизматлари сифатида ҳисобга олиниши учун иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши, реал олди-сотди объекти бўлиши, нархи ишлаб чиқувчи сарф-харажатларини тўлиқ ёки сезиларли даражада қопласа, бундай хизматлар **бозор хизматлари** сифтида ҳисобга олинади. Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, шу жумладан, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), шартнома нархлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов кунда белгиланган курс бўйича қайта ҳисобланади.

Фаолият турлари бўйича **хизматларни таснифлаш**, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичига мувофиқ амалга оширилади.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми МСТ (Миллий статистик таснифлагич) бўйича G-S секцияларга кирадиган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми асосида шакллантирилади.

V. Фойдали ҳаволалар

Кўрсатилган бозор хизматларининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (МСТ)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) статистик таснифлагичининг G, H, I, J, K, L, M, N, O, P, Q, R ва S секциялари кодлари батафсил (кенгайтирилган) рўйхати

